

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги


2025 йил январь-март ойлари учун

- I. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми
- II. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми ҳудудлар кесимида
- III. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш
- IV. Чорва моллари ва паррандалар бош сони
- V. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми

Дастлабки маълумотларга кўра, 2025 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 52 710,0 млрд сўми, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 50 015,4 млрд сўми, ўрмон хўжалиги – 2 237,6 млрд сўми, балиқчилик хўжалиги – 457,0 млрд сўми ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг ўсиш суръати



II. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми ҳудудлар кесимида

2025 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (6 746,5 млрд сўм), Тошкент (6 230,0 млрд сўм), Бухоро (4 890,7 млрд сўм), Фарғона (4 442,7 млрд сўм), Қашқадарё (4 338,0 млрд сўм) ва Андижон (4 279,8 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.



Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё вилояти (1 690,8 млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (1 740,3 млрд сўм) ва Навоий вилоятини (2 774,7 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

	Ҳажм млрд сўм	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	52 710,0	103,8
Қорақалпоғистон Республикаси	1 740,3	103,9
Андижон вилояти	4 279,8	104,0
Бухоро вилояти	4 890,7	103,6
Жиззах вилояти	3 730,5	103,5
Қашқадарё вилояти	4 338,0	103,7
Навоий вилояти	2 774,7	104,4
Наманган вилояти	3 375,5	104,0
Самарқанд вилояти	6 746,5	103,9
Сурхондарё вилояти	4 225,4	103,7
Сирдарё вилояти	1 690,8	104,1
Тошкент вилояти	6 230,0	103,8
Фарғона вилояти	4 442,7	104,3
Хоразм вилояти	4 245,1	103,8

Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати таҳлил қилинганда, юқори ўсиш суръатлари Навоий (104,4 %), Фарғона (104,3 %), Сирдарё (104,1 %), Наманган (104,0 %) ва Андижон (104,0 %) вилоятларида қайд этилди.

Бошқа ҳудудларга нисбатан Жиззах (103,5 %), Бухоро (103,6 %), Қашқадарё (103,7 %), Сурхондарё (103,7 %), Тошкент (103,8 %) ва Хоразм (103,8 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

III. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш


2025 йилнинг январь-март ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 49 142,5 млрд сўмни ёки 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 103,7 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 3 110,7 млрд сўмни (104,0 %), чорвачилик маҳсулотлари 46 031,8 млрд сўмни (103,7 %) ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (6 371,1 млрд сўм), Тошкент (5 736,3 млрд сўм), Бухоро (4 722,5 млрд сўм) ва Фарғона (4 233,5 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё вилояти (1 478,9 млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (1 534,0 млрд сўм) ва Навоий вилоятини (2 557,5 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Навоий (104,3 %), Фарғона (104,1 %), Наманган (103,9 %) ва Андижон (103,9 %) вилоятларида қайд этилди. Бухоро (103,4 %), Жиззах (103,4 %) ва Хоразм (103,4 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 85,6 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 9,0 % и фермер хўжаликлари, 5,4 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш

Худудлар кесимида чорвачилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (6 177,7 млрд сўм), Тошкент (5 256,9 млрд сўм), Бухоро (4 419,7 млрд сўм), Фарғона (3 953,0 млрд сўм) ва Қашқадарё (3 908,6 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Аксинча кам ҳажмга эга худудларга Сирдарё вилояти (1 357,7 млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (1 414,1 млрд сўм) ва Навоий вилоятини (2 457,7 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Навоий (104,3 %), Фарғона (104,1 %), Наманган (104,0 %), Андижон (104,0 %) вилоятларида қайд этилди. Бухоро (103,2 %), Сурхондарё (103,3 %), Хоразм (103,4 %) ва Жиззах (103,4 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

2025 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 564,1 минг тонна гўшт, 2 057,5 минг тонна сут, 1 537,7 млн дона тухум, 960 тонна қирқиб олинган жун, 459,7 минг дона қорақўл тери етиштирилди ва 19,1 минг тонна балиқ овланди.

Ҳисобот даврида тирик вазнда етиштирилган гўшт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,6 % ни, соғиб олинган сут – 103,6 % ни, олинган тухум – 107,2 % ни, қирқиб олинган жун – 111,2 % ни, олинган қорақўл тери – 102,6 % ни ҳамда овланган балиқлар – 106,4 % ни ташкил қилди.

2025 йил январь-март ойларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, етиштирилган гўштнинг умумий ҳажмидан 5,8 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 86,0 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 8,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.



Шунга мос равишда соғиб олинган сутнинг 7,7 % и фермер хўжаликлари, 90,5 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 1,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

**2025 йил январь-март ойларида етиштирилган асосий турдаги
чорвачилик маҳсулотлари ва овланган балиқлар**

	Январь-март 2025 й.	Ўсиш суръати, % да
Гўшт (тирик вазнда), минг тонна	564,1	103,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	32,7	114,3
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	485,1	101,6
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	46,3	119,8
Сут, минг тонна	2 057,5	103,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	159,4	122,7
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	1 861,7	102,0
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	36,4	117,0
Тухум, млн. дона	1 537,7	107,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	287,2	117,3
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	722,0	92,4
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	528,5	129,2
Жун, тонна	960	111,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	216	150,0
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	674	102,7
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	70	111,1
Қоракўл тери, минг дона	459,7	102,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	57,4	111,1
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	380,1	101,1
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	22,2	109,3
Балиқ, минг тонна	19,1	106,4
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	7,5	111,8
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	1,3	101,0
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	10,3	103,6



Шу билан бирга, олинган тухумнинг 18,7 % и фермер хўжаликларига, 46,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 34,4 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Шунингдек, қирқиб олинган жуннинг 22,5 % и фермер хўжаликлари, 70,2 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 7,3 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Бундан ташқари, олинган қоракўл терининг 12,5 % и фермер хўжаликларига, 82,7 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 4,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Ўз навбатида, овланган балиқларнинг 39,0 % и фермер хўжаликларига, 7,0 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 54,0 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келганлигини қайд этиш лозим.

Худудлар кесимида етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари ҳажми

	<i>Гўшт (тирик вазнда), тонна</i>	<i>Сум, тонна</i>	<i>Тухум, минг дона</i>
Ўзбекистон Республикаси	564 096	2 057 460	1 537 747
Қорақалпоғистон Республикаси	17 286	59 759	82 532
Андижон вилояти	47 750	115 206	58 881
Бухоро вилояти	54 208	218 911	91 396
Жиззах вилояти	39 186	128 631	63 486
Қашқадарё вилояти	47 760	155 998	100 241
Навоий вилояти	32 573	92 135	91 121
Наманган вилояти	31 334	128 402	152 413
Самарқанд вилояти	72 434	304 318	246 474
Сурхондарё вилояти	39 344	155 530	127 558
Сирдарё вилояти	16 270	61 557	42 720
Тошкент вилояти	77 039	171 179	269 515
Фарғона вилояти	43 811	242 044	112 607
Хоразм вилояти	45 101	223 790	98 803

Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш

Худудлар кесимида деҳқончилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Сурхондарё (616,6 млрд сўм), Тошкент (479,4 млрд сўм), Бухоро (302,8 млрд сўм), Фарғона (280,5 млрд сўм) ва Андижон (228,7 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга худудларга Навоий (99,8 млрд сўм), Жиззах (102,4 млрд сўм) вилоятларини, Қорақалпоғистон Республикаси (119,9 млрд сўм) ва Сирдарё вилоятини (121,2 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Бухоро (106,4 %), Навоий (105,0 %) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (104,8 %), Сурхондарё (104,6 %) ва Қашқадарё (104,5 %) вилоятларида қайд этилди. Самарқанд (102,0 %), Андижон (102,5 %), Тошкент (103,0 %) ва Наманган (103,2 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

Худудлар кесимида етиштирилган сабзавотлар ҳажми

	Тонна	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	78 988	105,0
Қорақалпоғистон Республикаси	336	121,7
Андижон вилояти	3 595	103,4
Бухоро вилояти	8 512	109,4
Жиззах вилояти	1 013	103,2
Қашқадарё вилояти	3 299	104,9
Навоий вилояти	4 206	106,5
Наманган вилояти	2 492	105,5
Самарқанд вилояти	2 236	104,9
Сурхондарё вилояти	24 048	105,2
Сирдарё вилояти	1 746	106,2
Тошкент вилояти	13 468	102,2
Фарғона вилояти	8 311	103,7
Хоразм вилояти	5 726	104,6

Етиштирилган сабзавот умумий ҳажмининг энг юқори улуши Сурхондарё вилояти (30,4 %) ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, юқори улуш Тошкент (17,1 %), Бухоро (10,8 %), Фарғона (10,5 %), Хоразм (7,2 %) ва Навоий (5,3 %) вилоятларида қайд этилди. Паст кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикасида (0,4 %), Жиззах (1,3 %) ва Сирдарё (2,2 %) вилоятларида кузатилди.



2024 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикаси (121,7 %), Бухоро (109,4 %), Навоий (106,5 %), Сирдарё (106,2 %), Наманган (105,5 %), Сурхондарё (105,2 %) вилоятларида қайд этилди.

IV. Чорва моллари ва паррандалар бош сони

2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 14 135,2 минг бошга етди, (2024 йилнинг 1 апрель ҳолатига нисбатан 1,9 % га кўп), сигирлар 4 963,6 минг бошга (1,8 % га кўп), қўй ва эчкилар 24 355,5 минг бошга (2,2 % га кўп), паррандалар 100 395,5 минг бошга (3,8 % га кўп) етди.

2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Минг бош	Ўсиш суръати, % да
Йирик шохли қорамоллар	14 135,2	101,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1 001,1	108,4
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	12 873,8	101,3
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	260,3	106,5
шундан сигирлар	4 963,6	101,8
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	393,4	111,8
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	4 483,9	100,9
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	86,3	105,9
Қўй ва эчкилар	24 355,5	102,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	3 631,7	105,5
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	19 018,5	101,2
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 705,3	106,8
Отлар	278,3	102,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	65,3	107,5
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	194,9	100,3
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	18,1	105,3
Паррандалар	100 395,5	103,8
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	16 546,5	103,8
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	52 111,7	100,9
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	31 737,3	109,0



2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 7,1 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 91,1 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 1,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда сигирларнинг умумий сонидан 7,9 % и фермер хўжаликларига, 90,3 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 1,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, шунингдек, қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 14,9 % и фермер хўжаликларига, 78,1 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 7,0 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, паррандалар умумий сонидан 16,5 % и фермер хўжаликларига, 51,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 31,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

**2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва
моллари ва паррандалар бош сони, минг бош**

	Йирик шохли қорамоллар	Қўй ва эчкилар	Паррандалар
Ўзбекистон Республикаси	14 135,2	24 355,5	100 395,5
Қорақалпоғистон Республикаси	1 238,6	1 248,5	5 265,4
Андижон вилояти	1 134,3	1 557,4	9 278,8
Бухоро вилояти	1 372,7	2 471,8	7 482,2
Жиззах вилояти	957,9	2 485,9	3 747,4
Қашқадарё вилояти	1 761,6	5 073,9	6 335,2
Навоий вилояти	547,3	2 477,7	3 887,8
Наманган вилояти	790,2	856,9	6 811,8
Самарқанд вилояти	1 705,8	2 657,9	14 588,8
Сурхондарё вилояти	1 064,5	2 625,9	5 493,5
Сирдарё вилояти	487,5	359,1	4 194,8
Тошкент вилояти	999,4	1 077,2	17 213,9
Фарғона вилояти	1 097,2	955,3	8 741,3
Хоразм вилояти	978,2	508,0	7 354,6



V. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариш ҳажми – соҳада ўз истеъмоли ва сотиш учун яратилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий қиймати. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши, овчилик хўжалигида, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва аквакультура соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати асосида шакллантирилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

Деҳқон хўжалиги – мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

Томорқа хўжалиги – шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Моллар бош сони – хўжалик тоифалари бўйича барча ёш гуруҳларидаги асосий турдаги чорва молларини ўз ичига олади (йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва ҳ.к.)

Гўшт етиштириш – сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

Сут етиштириш – ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади. Бузоқлар эмган сут ялпи соғиб олишга киритилмайди.

Тухум етиштириш – барча турдаги паррандалардан олинган ҳамда курк товуклар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумлар миқдорини ўз ичига олади.

Метамаълумот учун ҳавола:

<https://lib.stat.uz/uz/features/qishloq-xo-jaligi-va-ekologiya/685-qishloq-o-rmon-va-baliqchilik-xo-jaligi-mahsulot-xizmat-lari-yalpi-ishlab-chiqarishini-hisoblash-bo-yicha-uslubiy-nizom-2>

Тайёрлаш учун масъул:
Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит
статистикаси бошқармаси

Ижрочи:
Д. Ходжаев
71 203-80-00 (1225)

Манзил:

